

[REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

[REDACTED] вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа тизимида, раислик қилувчи судья Ш.Р., судлов ҳайъати судьялари М.Р. ва А.А.дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Б.нинг котибалигида, тарафлардан [REDACTED] вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Д.М., судланган С.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат И.М.нинг иштирокида, А.С.Х.га оид жиноят ишини [REDACTED] вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан келтирилган кассация протести ҳамда адвокат И.М. томонидан берилган шикоят асосида кассация тартибида кўриб чиқиб, кассация инстанцияси суди қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] [REDACTED] ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.А. 2024 йил июнь ойида Россия Федерациясининг Нижний Новгород шаҳрида ишлаб юрган вақтида, дастлабки тергов ва судда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжат ҳисобланган, 2022 йил 3 мартда расмийлаштирилганлиги кўрсатилган “А,Б,С” тоифадаги [REDACTED] серия рақамли ҳайдовчилик гувоҳномасини типографик усулда тайёрлашиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштиришган.

Шунингдек, С.А. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, [REDACTED] серия рақамли “А,Б,С” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини қалбаки эканлигини била туриб, ушбу ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланиб, 2024 йил 29 ноябрь куни [REDACTED] давлат рақамли автомашинани [REDACTED] кўчаси бўйлаб бошқариб бораётганида вилоят ИИБ ЙҚХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳужжатлари текширилганида қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланиб келаётганлиги аниқланган.



Протестда, судланган С.А.нинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилингани, чунки у қалбаки ҳужжатни фойдаланиш мақсадида бошқа шахс билан тайёрлагани, шу сабабли суднинг ҳукмини ўзгартириб, С.А.нинг айбидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айбловни ва тайинланган жазони чиқариш сўралган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланган С.А.нинг ҳимоячиси, адвокат И.М. кассация тартибида келтирган шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан С.А.га жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, оилавий шароитин ва моддий аҳволи, доимий равишда чет давлатда даромад топиши инobatга олинмагани, шу сабабли суднинг ҳукми билан С.А.га нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жарима жазосига ўзгартиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья А.А.нинг маърузасини, прокурор Д.М.нинг кассация протестини қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантириш ва кассация шикоятини рад қилиш ҳақидаги, судланган С.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат И.М.нинг протест ва шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, протест ва шикоятдаги важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни, протестни тўлиқ қаноатлантириб, суднинг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Судланган С.А.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг биринчи инстанция судида ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган ва судда муҳокама қилинган, гувоҳ У.А.нинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги кўрсатувлари, С.А.нинг номига 2022 йил 3 мартда расмийлаштирилган “А,Б,С” тоифадаги [REDACTED] рақамли ҳайдовчилик гувоҳномасини текшириб кўриш учун олиш баённомаси, С.А. номига ҳайдовчилик гувоҳномаси вилоят ИИБ ЙҚХБ РУ ва ИОБ томонидан қайд қилинмаганлиги ҳақидаги маълумотнома, [REDACTED] туман ИИБ эксперт криминалистика бўлимнинг С.А. номига расмийлаштирилган [REDACTED] серия рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси давлат томонидан ишлаб чиқарилмагани, аксинча типографик усулда ишлаб чиқарилганлиги ҳақида 2024 йил 19 декабрдаги 360-сонли хулосаси, С.А.га тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасини ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш қарори ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган ва суд ҳукмида асослантирилган хулосага келинган.

Биринчи инстанция суди томонидан С.А.нинг содир этган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, унинг айби бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатга била туриб ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни



кўзлаб, сохта маълумотлар ва ёзувларни киритишни содир қилишда ифодаланган жиноий қилмишлари ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, бироқ унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилиниб, шу модда билан жазо тайинланиб, хатоликка йўл қўйилган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида, сохталаштирувчи расмий ҳужжатларни ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида тайёрлаши ёки қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиши учун ҳамда шу модданинг 2-қисми “б” бандида эса, ўша ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида эса ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш, яъни бошқа шахс томонидан қалбакилаштирилган ҳужжатдан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, амалдаги қонун мазмунига кўра, била туриб қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган мустақил жиноят таркибини вужудга келтириши, жиноий жазоланадиган ҳужжатларни қалбакилаштириш қалбаки ҳужжатларнинг айбдор томонидан фойдаланилиши айнан улардан фойдаланиш мақсадларида содир этилганлиги боис, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмига кўра қўшимча баҳолашни талаб қилмаслиги, шундай ҳолда, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмига кўра, ўзлари ҳужжат тайёрламаган шахслар жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга қараганда, С.А. 2024 йилнинг июнь ойида Нижний Новгород шаҳрида дастлабки тергов ва судда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжат ҳисобланган, 2022 йил 3 мартда расмийлаштирилганлиги кўрсатилган “А,Б,С” тоифадаги [REDACTED] серия рақамли ҳайдовчилик гувоҳномасини типографик усулда тайёрлашиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, 2024 йил 29 ноябрь куни [REDACTED] давлат рақамли автомашинани [REDACTED] тумани, [REDACTED] бўйлаб бошқариб бораётганида вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳужжатлари текширилганида ундан фойдаланганлиги кўринади.

Бундай ҳолатда, судланган С.А.ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан айблаш асоссиз бўлади.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга асосан, суд ҳукмининг С.А.ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топиш ҳамда унга шу модда билан жазо тайинлаш қисмини бекор қилишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланган С.А.нинг шахси, муқаддам судланмаганлиги, оилавий ва моддий аҳволи, қармоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги ва оиласида ўзи ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлиги унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳоланиб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги, шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти ҳамда ишдаги бошқа ҳолатлар инobatга олинган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ушбу модда санкцияси доирасида қонуний ва адолатли жазо тайинланган деб ҳисоблаб, унга тайинланган ушбу жазони ўзгаришсиз қолдиришни, унга эндиликда фақатгина битта модда билан жазо тайинланаётганлиги сабабли, унга ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазони ҳам чиқариб ташлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁷, 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED]

7 апрелдаги ҳукмининг А.С.Х.га оид қисми ўзгартирилсин.

А.С.Х.ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топиш ва унга шу модда билан жазо тайинлаш ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қисми бекор қилинсин.

А.С.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тайинланган иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган протест қаноатлантирилсин, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи
Ҳайъат судьялари

Ш.Р.
М.Р.
А.А.

Аслига тўғри:



Ҳужжат имзоланган: Аминов Акбар Султонназарович, 18.09.2025

